

АРАБ ДАВЛАТЛАРИДАГИ МАРКАЗИЙ ОСИЁНИ ИЛМИЙ ЎРГАНИШ МАРКАЗЛАРИ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА

О ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НАУЧНЫХ ЦЕНТРОВ ИЗУЧЕНИЯ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ В АРАБСКИХ ГОСУДАРСТВАХ

ACTIVITIES OF CENTRAL ASIAN RESEARCH CENTRES IN THE ARAB STATES

Shavkat IKROMOV,

*The coordination and methodological Center of the
Uzbekistan's contemporary history at the Academy of
Sciences of the Republic of Uzbekistan.*

PhD student

Email: xorijiysharq@mail.ru

*Yakkasaroy district, Shota Rustaveli str. 28. Tashkent
city, Uzbekistan*

DOI: 10.47980/TLOI/2020/3/2

Аннотация: Мазкур мақолада Араб давлатларида Марказий Осиёнинг энг янги тарихини илмий ўрганиш марказлари фаолияти хусусида сўз боради. Унда араб тилидаги манбалар асосида Саудия Арабистони, Миср, Ироқ ва Жазоир тадқиқот марказларида олиб борилган изланишлар ва илмий ишларнинг қисқисси ҳамда контент таҳлили бажарилган. Хусусан, Ироқнинг Бағдод, Мосул, Мустансири ва Куфа университетлари, Қоҳирадаги Ал-Азхар, Искандария каби бир қатор олий ўқув юртли ва илмий марказларнинг тадқиқотлари ўрганилган.

Ўзбекистоннинг энг янги тарихини Араб давлатлари илмий марказларида ёритилишини ўрганиш ва энг янги тарихимиз масалаларига доир янги талқинларни қисқисси таҳлил қилиш мазкур мақоланинг мақсади ҳисобланади.

Мақолада мавзунинг адабиётлар таҳлили, илмий марказларнинг тавсифи ва аҳамияти, илмий марказларда Ўзбекистоннинг энг янги тарихига оид материалларнинг умумий хусусиятлари ва мавзу йўналишлари сингари масалалар кўриб чиқилган.

Услубий жиҳатдан илмий марказларнинг материаллари тарихшунослик контекстида ўрганилди, асосий метод сифатида контент таҳлил методи қўлланилди шунингдек, ерданчи методлар сифатида тизимли ва қисқисси таҳлил, ҳамда хронологик-муаммовий методлар танланди.

Тадқиқотнинг янгилиги. Ўзбекистоннинг энг янги тарихига оид янги талқинларнинг таҳлил қилинганлиги ҳамда объект сифатида илмий марказларнинг тадқиқотларини гуруҳлаштириб ўрганилган.

Тадқиқот натижаси Араб давлатларида Ўзбекистон ҳақидаги контентнинг чегараланган эканлиги ва улардаги мавжуд тенденциялар, стереотиплар ҳали ҳамон ўзгармасдан келаётганлиги, мавзулар йўналиши тор ва бир ёқлама хусусиятга эгаллигини кўрсатди.

Хулосада араб илмий марказлари томонидан Ўзбекистонни ўрганишда янада чуқур, доимий ва тизимли таҳлилий ёндашувларининг зарурлиги кўрсатилган ҳамда уларнинг доимий мониторинги зарурияти ҳам тушунтирилган.

Таянч иборалар: Марказий Осиё, энг янги тарих, илмий марказлар, янги талқинлар, Саудия Арабистони, Миср, Ироқ Жазоир.

Аннотация: Настоящая статья посвящена деятельности центров научного изучения Центральной Азии в арабских государствах. В статье на основании арабоязычных источников проделан компаративный и контент-анализ исследований и работ, проводимых в научных центрах Саудовской Аравии, Египта, Ирака и Алжира. А также научные изыскания университетов Багдада, Мосула, Мустансири и Куфы в Ираке, ряда высших учебных заведений и исследовательских центров таких как Аль-Азхар в Каире, в Александрии по истории и политике Центральной Азии.

Целью данной статьи является изучение освещения новейшей истории Узбекистана в научных центрах арабских стран и сравнительный анализ новых интерпретаций новейших вопросов нашей истории.

С этой целью представлен обзор литературы по данной теме, отмечена значимость и дано описание исследовательских центров, изучены особенности материалов по новейшей истории Узбекистана в научных центрах и направления исследуемых тем.

Методологически материалы исследовательских центров в арабских странах изучались в контексте историографии, в качестве основного метода использовался метод контент-анализа, а также систематический и сравнительный анализы, хронологическо-проблемные методы.

Новизна исследования – в статье представлен анализ новых интерпретаций новейшей истории Узбекистана и осуществлена классификация исследований научных центров в качестве объекта исследования.

Исследование выявило ограниченность знаний про Узбекистан в арабских странах, устойчивость в них существующих тенденций и стереотипов, узость и односторонность текущих дискуссий.

В заключении подчеркивается необходимость более глубоких, непрерывных и систематических аналитических подходов при изучении Узбекистана арабскими исследовательскими центрами, а также необходимость их постоянного мониторинга.

Ключевые слова: Центральная Азия, новейшая история, научные центры, новые интерпретации, Саудовская Аравия, Египет, Ирак, Алжир.

Abstract: This article is devoted to the activities of centers for the scientific study of Central Asia in the Arab states. In the article, based on Arabic-language sources, a comparative and content analysis of research and work carried out in scientific centers of Saudi Arabia, Egypt, Iraq, and Algeria are carried out. As well as scientific research at the universities of Baghdad, Mosul, Mustansiri and Kufa

in Iraq, several higher educational institutions and research centers such as Al-Azhar in Cairo on the history and politics of Central Asia.

The purpose of this article is to study the coverage of the modern history of Uzbekistan in scientific centers of Arab countries and a comparative analysis of new interpretations of the latest issues of our history.

For this purpose, a review of the literature on this topic is presented, the significance and description of research centers are noted, the features of materials on the modern history of Uzbekistan in scientific centers, and directions of the topics studied are studied.

Methodologically, the materials of research centers in Arab countries were studied in the context of historiography, the method of content analysis was used as the main method, as well as systematic and comparative analyzes, chronological-problem methods.

The novelty of the research - the article presents an analysis of new interpretations of the modern history of Uzbekistan and classifies the research of scientific centers as an object.

The study revealed the limited knowledge about Uzbekistan in Arab countries, the stability of existing trends and stereotypes in them, the narrowness and one-sidedness of the current discussions.

The conclusion emphasizes the need for deeper, continuous, and systematic analytical approaches in the study of Uzbekistan by Arab research centers, as well as the need for their constant monitoring.

Keywords: *Central Asia, the contemporary history, science centers, new interpretations, Saudi Arabia, Egypt, Iraq, Algeria.*

КИРИШ

Ўзбекистонда мустақиллик шароитидаги катта ўзгаришлар тарих фанини ҳам четлаб ўтмади. Тарихга жаҳон миқёсида, глобал ёндашув, фикрлар хилма-хиллигига имкон бериш, ҳолисликка амал қилиш шароитида хорижий тарихшуносликка қизиқиш кескин ортди.

Ўз навбатида Марказий Осиёда Ўзбекистоннинг жўғрофий нуқтаи назардан муҳим савдо йўллари чорраҳасида жойлашгани, кўплаб давлатлар билан иқтисодий, маданий алоқалар қилгани ерли халқнинг диний ва маданий ҳаётига катта таъсир кўрсатган. Бугунги Ўзбекистон замини қадим замонлардан бери яшаш учун қулай макон бўлиб, тарих жараёнларида турли миллат ва элатлар ҳамда уларнинг маданияти ривожланишида муҳим роль ўйнаган (*Mukhamedov N., 2016: 405*).

Жаҳоннинг инглиз, француз, немис, турк тилларида яратилган ўнлаб тадқиқотларда Ўзбекистон тарихига оид муҳим маълумотлар ва ўзига хос қарашлар, хилма-хил ҳулосалар

борлиги маълум бўлди. Уларнинг ҳар хил тилларда эканлиги, Ўзбекистон тарихининг турли даврдаги масалаларига оид тадқиқотларни муаммовий асосда ва айрим тиллар доирасида ўрганишни тақозо этади (*Shodmanova S., 2018:16*). Бу айниқса, Ўзбекистоннинг энг янги тарихига оид тадқиқотларда янада кўпроқ заруриятни вужудга келтиради. Зеро, XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида дунё сиёсий харитасида содир бўлган ўзгаришлар Марказий Осиё минтақаси халқлари тарихида чуқур из қолдирди. Минтақада янги республикаларнинг ташкил топиши уларнинг тарихий тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Бу эса хорижий давлатларда минтақанинг замонавий тарихий жараёнларига оид янги тадқиқотлар бошланишига, минтақадаги жараёнларни кузатиб боришга ихтисослашган илмий муассасаларнинг вужудга келишига олиб келди.

Америка Қўшма Штатларининг Колумбия университетидagi Харимман институти, Жорж Вашингтон университетининг Марказий Осиё дастури (САР) каби илм муассасаларида минтақанинг энг янги тарихига оид, минтақа олимлари нуқтаи назаридан айрим хусусиятларига кўра фарқланувчи, уни глобал миқёсда тадқиқ қилишга қаратилган илмий ишлар яратилди.

Минтақада янги тарихий шароитда содир бўлаётган трансформация Ғарб давлатлари билан бир қаторда, Шарқ давлатларида, жумладан, Араб давлатларида ҳам катта қизиқишлар билан кузатиб борилаётган.

Мазкур тадқиқотда Араб давлатларида Марказий Осиёнинг энг янги тарихига оид изланишлар олиб бораётган илмий муассасалари фаолиятини таҳлил қилиш мақсади белгиланган.

Араб давлатларида Хитой, Ҳиндистон каби давлатларда бўлганидек минтақани илмий ўрганишга ихтисослашган алоҳида илмий муассасалар бўлмасда, бироқ Осиё давлатлари бўйича тадқиқотлар олиб боровчи 20 дан ортиқ илмий муассасаларида Марказий Осиё республикаларини тадқиқ қилишга ихтисослашган алоҳида йўналишлар фаолият олиб бормоқда. Минтақани илмий ўрганиш Араб давлатларидан Миср, Ироқ, Саудия Арабистони ва Жазоир синагри давлатларда нисбатан яхши йўлга қўйилган.

Араб илмий муассасаларидаги Марказий Осиё давлатлари бўйича олиб борилаётган тадқиқотларни ўрганишда услубий жиҳатдан муаммовий тарихшунослик усули қўлланилди. Унга кўра, Араб давлатларида Марказий Осиё бўйича

нашр қилинган илмий ишлар, илмий муассасалар кесимида жамланиб, тадқиқотлар ўз муаммосига кўра гуруҳлаштирилди. Шунингдек, тадқиқотчилар Марказий Осиёни тарих, геосиёсат, маданият, халқаро муносабатлар ва иқтисод фанларига оид илмий изланишлар доирасида ўрганганлигини ҳисобга олиб, тадқиқотда фанлараро ёндашув ва тизимли таҳлил методларидан ҳам фойдаланилди.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Марказий Осиё республикалари замонавий тарихининг тарихшунослигида Араб давлатларидаги илмий изланишлар алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганганилмаган, дейиш мумкин. Д-р С.Ғафуров ўзининг номзодлик дессиртациясида Араб давлатларининг Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини ўрганувчи айрим илмий муассасалар ҳақида маълумот беради, бироқ тадқиқот объекти бўлмаганлиги учун улар фаолиятига кенг тўхталмайди (*G'afurov S., 2002*). Тадқиқотчи Ш.Икромов (*Ikromov Sh., 2019:76*) эса ўзининг Араб давлатларидаги таҳлилий марказлар фаолиятига оид илмий изланишида Марказий Осиёнинг замонавий тарихи билан шуғулланувчи Араб илмий муассасалари фаолиятига қисман тўхталган, бироқ тадқиқотда қўйилган масала сиёсий ва иқтисодий жараёнларни ўрганувчи таҳлилий марказлар бўлганлиги учун илмий муассасалар фаолиятига алоҳида тўхталмайди. Услубий жиҳатдан Ҳиндистонда Марказий Осиёни ўрганувчи илмий муассасалар фаолиятини тадқиқ қилган д-р Б.Обидовнинг ишини ҳам алоҳида эътироф этиш мумкин (*Obidov B., 2015:122*). Б.Обидов Марказий Осиёнинг замонавий тарихига оид ҳиндистонлик олимлар томонидан амалга оширилган ишларни, хусусан, мавзуга оид ўқув адабиётлари, магистрлик тезислари, докторлик диссертациялари ҳамда монография ва мақолаларни илмий муассасалар кесимида умумлаштиради. Муаллиф бу турдаги тадқиқотлар Ўзбекистоннинг энг янги тарихи тарихшунослигини ўрганишда хорижий контент сифатида катта аҳамиятга эга эканлигини тушунтиради.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Араб давлатларидаги Марказий Осиёни илмий ўрганиш марказлари фаолиятини тадқиқ қилиш жараёнида киёсий ва тизимли таҳлил, фанлараро ёндашув ва контент таҳлил методлари қўлланилган. Тақдим этилаётган тадқиқотнинг янгилиги сифатида Марказий Осиё тарихшунослигига

оид араб сегментининг илк бор алоҳида таҳлил қилинганлигини кўрсатиш мумкин. Айтиш жоизки, Араб давлатларининг ўзида ҳам айнан шу мавзуга доир тадқиқотлар мавжуд эмас.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Маълумки, араблар ва Марказий Осиё халқлари ягона тарихий маконда, ягона сулолалар бошқаруви остида ҳамкор бўлиб яшаб, яқин ижтимоий алоқалар ўрнатган. Тарихнинг маълум даврларида араб тили, илм-фан тили сифатида минтақада кенг ёйилган. Айнан шу даврларда Марказий Осиё халқлари тарихи ва маданиятига оид араб тилидаги дастлабки илмий изланишлар бошланган, тарихий асарлар яратилган.

Бағдоддаги “Байт ал-ҳикма” ва Қоҳирадаги “Дар ал-ҳикма” каби ўрта асрларда дунёга машҳур бўлган илм масканларида Мовароуннаҳр, яъни Марказий Осиёнинг тарихи, географияси, этнографияси ва маданиятига оид кўплаб асарлар яратилган. Бу илм масканларида фаолият олиб борган Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Марвазий, Аҳмад ал-Фарғоний ва Абу Наср ал-Форобий сингари кўплаб олимлар ўз илмий изланишларида Марказий Осиёга ҳам эътибор қаратишган.

Аббосийлардан сўнг, Яқин Шарқ ва Марказий Осиё минтақасида мураккаб ва зиддиятли сиёсий жараёнлар натижасида аввал мўғуллар, ундан сўнг эса, темурийлар ҳукмронлигининг бошланиши, икки минтақа халқларини бир-биридан узоқлаштириб юборди. Шунингдек, Аббосийлардан кейин Бағдод, Қоҳира, Дамашқ каби шаҳарлардаги илмий масканлар фаолиятининг сусайиб борганлиги Яқин Шарқда Марказий Осиёни ўрганиш ишларига ўз таъсирини кўрсатди. Дамашқда яшаган тарихчи олим Ибн Арабшоҳнинг “Амир Темур тарихи” асари аббосийлардан кейин минтақанинг сиёсий тарихини ўрганиш бўйича яратилган кам сонли асарлардан бири бўлиб қолди.

Минтақанинг темурийлардан кейинги тарихи, шайбонийлар, хонликлар даври ва ниҳоят ўлканинг мустамлака қилиниши, собиқ совет иттифоқи таркибидаги Ўрта Осиё республикаларининг ижтимоий-сиёсий тарихи XX аср араб тарихчилари томонидан ўрганилган.

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб Сталин қатағонлари сабаб, Марказий Осиёдан Араб давлатларига кўчиб кетган ватандошларнинг ташаббуси билан Араб давлатларида ўлка халқлари тарихи ва маданиятига оид айрим тадқиқотлар нашр қилина бошланди.

XX асрнинг 40-50 йилларида Саудия Арабистонида ташкил қилинган “Туркистонликлар жамияти”, “Саудия туркийлари жамияти” каби турли ижтимоий-маданий муассасалар ҳомийлигида Саудия Арабистони, Сурия, Ироқ каби давлатларнинг университетларида Марказий Осиёнинг замонавий тарихига оид дастлабки илмий изланишлар олиб борилди. Эътиборли жиҳати шундаки, бу изланишлар Ўрта Осиёлик ватандошлар авлодидан етишиб чиққан тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган.

Абдул Муъмин Акрам Бухорий ана шундай олимлардан бири эди. У минтақа учун олиб борилган инглиз-рус рақобати, октябрь инқилоби ва унинг ўлка мусулмонлари ҳаётидаги салбий оқибатлари ҳақида “Турон (Туркистон) тарихининг далиллари” (*Sayd Akram Bukhari., 1967*) асарини ёзган. Яна бир Марказий Осиёлик олим Нурмуҳаммад Жон Туркистоний ўлка мусулмонларининг социализм остидаги оғир ҳаётдан ҳикоя қилувчи “Рус ва хитойлар ҳукмронлигидаги мусулмонларнинг ҳаёти ҳақидаги ҳақиқий ҳикоялар” асарини (*Nurmukhammad Han., 1955*), д-р Абдул Қодир бин Таш Муҳаммад Таш эса “Совет иттифоқидаги мусулмонлар: матбуот саҳифаларидаги гувоҳликлар” (*Abd Al-Qadir bin Tash Mukhammad., 1993*) номли асарларини Ўрта Осиёлик ватандошлар томонидан ташкил қилинган муассасалар ҳомийлигида нашр қилган.

Ўрганишлар натижасида, 1991 йилгача бўлган даврда Араб давлатларидаги илмий муассасаларнинг Марказий Осиё бўйича тадқиқотларидаги асосий мавзулар: ўлка мусулмонларининг собиқ совет иттифоқи таркибидаги кундалик турмуш тарзи, ислом динига нисбатан совет ҳукумати томонидан қўлланилаётган босим ва қисман минтақанинг ислом тарихи масалалари бўлганлиги кузатилди.

1991 йилдан кейинги даврда минтақада содир бўлган сиёсий ўзгаришлар Араб илмий муассасаларида Марказий Осиёни ўрганиш аҳамиятини оширди. Минтақани тадқиқ қилиш ишлари Араб давлатларининг бу минтақага нисбатан сиёсати хусусиятларидан келиб чиқа бошлади. Унга кўра, қуйидагилар араб илмий муассасаларида муҳим йўналишлар сифатида белгиланди:

Биринчи, Марказий Осиёнинг геосиёсий аҳамияти, минтақанинг энергия ресурслари ва энергетик хавфсизлик масалалари;

Иккинчи, минтақада дин ва сиёсат муносабатлари, сиёсийлашган ва радикал ислом гуруҳларининг фаолияти, минтақавий хавфсизлик масалалари;

Учинчи, ўзаро ҳамкорлик алоқалари, етакчи Араб давлатларининг минтақадаги манфаатлари масалалари;

Тўртинчи, минтақанинг ислом тарихи, унинг ислом маданиятига қўшган ҳиссаси масалалари.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунга келиб Араб давлатларида Марказий Осиёни илмий ўрганувчи муассасаларнинг фаолияти ҳукмрон сиёсий кучларнинг иродасини ифода қилади. Тадқиқотларда илмий жамоатчилик кизиқишлари эмас, кўпроқ сиёсий кучларнинг манфаатлари ҳисобга олинганлигини кўриш мумкин. Қуйида Саудия Арабистони, Миср, Ироқ, Иордания ва Жазоир сингари давлатларда Марказий Осиё бўйича тадқиқотлар олиб боровчи илмий муассасалар фаолияти ёритилади.

Саудия Арабистони. Саудия Арабистонидаги Қирол Файсал исломий тадқиқотлар маркази, “Саудия туркийлари жамияти”, Қирол Файсал номидаги дипломатик тадқиқотлар институтининг Осиё тадқиқотлари маркази, Қирол Сауд ҳамда Қирол Фаҳд номли университетларнинг гуманитар факультетларида Марказий Осиё минтақасига доир тадқиқотлар олиб борилади.

Ушбу илмий муассасаларнинг минтақа республикалари бўйича олиб борилаётган тадқиқотларида минтақанинг ислом тарихи, улардаги диний сиёсат, унинг геосиёсий мавқеи ва Араб давлатларининг Марказий Осиё билан алоқалари каби йўналишлар устувор йўналишлар сифатида ўрганилади.

Қирол Файсал номидаги исломий тадқиқотлар маркази. 1983 йилда марҳум қирол Файсал ибн Абдул-Азиз ас-Сауднинг оила аъзолари томонидан ташкил қилинган. Араб дунёсидаги энг йирик ва обрўли илм маскани сифатида тан олинади. Тадқиқот марказининг мақсади маҳаллий ва глобал миқёсдаги илмий изланишлар ҳамда маданий меросни сақлаш ва ривожлантириш йўлидаги ҳаракатларни қўллаб-қувватлашдан иборат. Марказ Қирол Файсал фонди кўмагида ташкил қилинган.

Қирол Файсал номидаги исломий тадқиқотлар маркази ва фонд кўмагида Марказий Осиё халқлари тарихига оид бир қанча илмий лойиҳалар амалга оширилган, тарихий асарлар нашр қилинган. Жумладан, марказ тадқиқотчиси Муҳаммад бин Насир ал-Абуди биринчилардан бўлиб минтақада бошланган янги сиёсий жараёнлар, маҳаллий мусулмонлар ҳаётида содир бўла бошлаган ўзгаришларга доир изланишлар олиб борган. Унинг классик саёхатнома жанридаги асарлари

минтақада янги ташкил топган республикаларни Араб давлатларига танитишда катта хизмат килди. “Мовароуннахр ва Бухородаги унутилган мусулмонлар (*Mukhammad bin Naser Al-Abudi., 1991*), “Ўрта Осиё кундалиги” (*Mukhammad bin Naser Al-Abudi., 1995*) каби асарлар бугунги кунда ҳам Қирол Файсал номидаги исломий тадқиқотлар марказида минтақада янги ташкил топган мусулмон республикаларнинг замонавий тарихига оид дастлабки тадқиқотлар сифатида сақланади.

Марказда минтақа республикаларида ислом ва сиёсат йўналишида ҳам кўплаб илмий лойиҳалар амалга оширилган. Хусусан, д-р Жанаби Майсамнинг “Ўрта Осиё мусулмон республикаларида сиёсий ислом” (*Maysam Janabi., 2001*) номли тадқиқоти мана шу турдаги кўплаб тадқиқотлардан биридир. Унда муаллиф минтақа республикаларида олиб борилаётган диний сиёсатни танқидий ўрганади. Бу асарларда минтақа республикаларининг қайта куриш ва ўтиш даври кейинчиликлари, шунингдек, сиёсий тизимларнинг шаклланиш муаммолари ва ижтимоий муносабатларда ислом омили каби масалалар атрофича ўрганилган. Марказнинг “Ислом ва замонавий дунё” номли илмий журналида эса, минтақадаги ислом ва сиёсат масаласига оид ўндан ортиқ илмий мақолалар нашр қилинган.

“Саудия туркийлари жамияти” Марказий Осиёлик муҳожирларининг авлодлари томонидан ташкил қилинган у минтақанинг тарихи, маданияти, унинг ислом тамаддунига қўшган ҳиссасини тадқиқ қилувчи илмий изланишларни қўллаб-қувватлаб келади. Жумладан, асли Қўқонлик бўлган, Сталин қатағонлари даврида Саудияга кўчиб кетган, жамиятнинг эътиборли аъзоларидан бири, устоз Абдукодир Муҳаммаджон кўп йиллик изланишлари натижасида 1996 йил “Ислом республикаларининг зулматдан нурга чиқиши” (*Abid Qori Mukhammaf Jan., 1996*) номли монографиясини эълон қилган. Монографияда совет даври минтақа республикаларидаги оғир диний вазият, диний уламоларга нисбатан олиб борилган қатағонлар, диний маданий меросни йўқ қилиш бўйича советларнинг сиёсати яхши таҳлил қилинган.

Қирол Сауд университетининг гуманитар таълим факультетида ҳам Араб давлатларининг Марказий Осиё республикалари билан алоқалари ва минтақанинг геосиёсий мавқеига оид илмий изланишлар олиб борилади. Университетда Марказий Осиё минтақасидаги энергия хавфсизлиги, минтақадаги геосиёсат, Саудиянинг минтақа давлатлари билан алоқаларига доир магистрлик

тезислар ва ўқув жараёнлари учун адабиётлар яратилган. Университет профессори Шох Рустам Шох Мусаров томонидан “Саудия Арабистони подшолигининг Ўрта Осиё ва Кавказдаги мусулмон республикалари билан алоқалари (Ўзбекистон-Қозоғистон-Озарбайжон)” (*Shah Rustam Shah Musarof., 2002*) номли монографияси ана шундай адабиётлардан биридир. Унда Саудия Арабистонининг Ўрта Осиё ва Кавказдаги мусулмон давлатлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини таҳлил қилиш асносида, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Озарбайжон давлатларининг замонавий тарихига оид муҳим маълумотлар тақдим қилинган.

Форс кўрфази араб давлатлари орасида илмий тадқиқотлар ва таълим кўрсаткичлари бўйича етакчи давлатлардан бири бўлган Иордания Хошимийлар Қироллигида ҳам Марказий Осиё бўйича мутахассислар тайёрлаш ишлари йўлга қўйилган. Жумладан, Иордания Мута университети Ижтимоий фанлар факультетининг тарих ва халқаро муносабатлар йўналишларида Марказий Осиёга оид тадқиқотлар олиб борилади. Жумладан, 2011 йилда “Россия Федерациясининг Марказий Осиё ислом республикалари (Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон ва Қирғизистон) билан алоқалари” (*Alwradat Yazn Ewid 'Ahmad., 2011*) номли магистрлик диссертацияси химоя қилинган.

Саудия Арабистони ва умуман Форс кўрфази Араб давлатларидаги илм муассасаларида Марказий Осиё ислом умматининг ажралмас бир қисми сифатида ўрганилади ва тадқиқотларнинг хусусияти ҳам айнан ислом омилидан келиб чиқади.

Миср. Миср Араб Республикасининг Қоҳира, Ал-Азҳар, Искандария ва Заказик каби университетлари таркибидаги факультетлар, институтлар ва тадқиқот марказларида Марказий Осиё тарихига оид тадқиқотлар олиб борилади.

XX аср 90-йилларнинг аввалида Ўрта Осиёга оид дастлабки тадқиқотлар “Миср усмонли ва турк дунёси тадқиқотлари” марказида бошланган эди. Жумладан, дунё туркийларга оид тадқиқотлар силсиласининг бир қисми сифатида Марказий Осиё мусулмонлари тарихи ва мустақил давлат сифатидаги илк ислохотлар тадқиқига оид “Марказий Осиё ва Болқон мусулмонлари” номли катта монографик тадқиқот тайёрланган (*Harb, Mukhamad., 1993*). Марказнинг мазкур лойиҳасини Мисрда, Марказий Осиёнинг мустақил республикалари замонавий тарихини ўрганишга қаратилган дастлабки фундаментал тадқиқотлардан бири ҳамда кейинги тадқиқотлар учун манбавий асос сифатида баҳолаш мумкин.

Бугунги кунда Қоҳира, Ал-Азҳар ва Заказик каби университетларда Марказий Осиё республикаларининг ислом тамаддунидаги ўрни, минтақа халқлари тарихи, маданияти ва замонавий сиёсати каби йўналишларда бакалавр ва магистрлар тайёрланмоқда. 1991-2019 йиллар ушбу университетларда Марказий Осиё республикаларининг тарихи, маданияти, сиёсати ва иқтисодига оид 50 га яқин магистрлик тезислари, 10 дан ортиқ номзодлик ишлари ҳимоя қилинган, 20 дан ортиқ монографиялар нашр қилинган.

Қоҳира университети, Иқтисодиёт ва сиёсатшунослик факультетининг “Осиё тадқиқотлари маркази” Яқин Шарқ минтақасида, Марказий Осиё бўйича тадқиқотлар олиб боровчи йирик илмий марказлардан бири ҳисобланади. Марказ 1994 йил 20 сентябрда ташкил топган. Илмий жиҳатдан у Осиё давлатларининг ижтимоий-маданий ва иқтисодий-сиёсий тараққиёти бўйича комплекс тадқиқотларни олиб боради. Сиёсий жиҳатдан эса, у Мисрнинг Осиёга нисбатан бўлган савдо-иқтисодий қизиқишини ифодалайди. Марказ тадқиқотларида Осиёнинг маркази ҳисобланадиган Марказий Осиёга алоҳида эътибор қаратилади. Бугунги кунга қадар, марказда минтақанинг замонавий тарихи ва сиёсатига оид ўндан ортиқ монографиялар, юзга яқин илмий мақолалар тайёрланган.

Тадқиқотларда, минтақанинг замонавий геосиёсий аҳамияти, йирик давлатларнинг минтақавий сиёсати, минтақа республикаларидаги демократик жараёнлар, дин ва сиёсат, радикализм, минтақанинг ислом тарихи каби йўналишларга кўпроқ эътибор қаратилган. Марказнинг мазкур йўналиш бўйича тадқиқотларида, минтақа янги мусулмонлар жамоаси сифатида талкин қилиниб, асосий эътибор унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда ислом омили масаласига қаратилади.

Марказнинг етакчи экспертларидан д-р Муҳаммад С.Салим ва д-р Ибраҳим Арафатларни Марказий Осиёда ислом ва сиёсат йўналишидаги етакчи мутахассислар сифатида кўрсатиш мумкин. Д-р Муҳаммад С.Салим Осиёдаги исломий ҳаракатлар ҳамда минтақадаги радикал гуруҳлар фаолиятига оид тадқиқотлар олиб борган бўлса, д-р Ибраҳим Арафат минтақанинг давлат бошқаруви ва сиёсий институтлари фаолиятида ислом омили масаласини тадқиқ қилган [15].

Марказ илмий ходимларининг кўплаб илмий лойиҳаларида Марказий Осиё минтақаси Озарбайжон билан бирга ўрганилган, шунингдек, уларнинг тадқиқот объекти ҳамда қўйилаётган

муаммоларида ҳам умумийлик мавжуд. Жумладан, Аҳмад Фуъад Мутавааллийнинг “Ўрта Осиё ва Кавказдаги мусулмон давлатлар” (*Mutawaliy, 'Ahmad Fuad, 2000*) монографияси, Абдел Фаттах Муқлад ал-Ғанимининг “Собиқ совет иттифоқи: Ўрта Осиёда ислом ва мусулмонлар” (*Abdel Fattoh Makled Al-Ghonaymi., 1996*) асари ҳамда Абд Али ал-Хафифнинг “Исломий Ўрта Осиё” (*Abd Ali al-Khafaf., 1995*) номли асарларидаги қўйилаётган масала ва тадқиқот йўналиши бир-бирига жуда яқин. Уларнинг барчасида янги шаклланаётган, аҳолисининг асосий қисми мусулмонлардан иборат бўлган республикалар сиёсий ҳаётида исломнинг роли жуда юқори баҳоланади. Тадқиқотчиларнинг барчаси минтақани исломий республикалар минтақаси сифатида таснифлаб, асосий эътиборни минтақанинг исломий мероси ва келажагига қаратади.

Минтақани исломий республикалар минтақаси сифатида кўриш, минтақа бўйича тадқиқотларда ислом омилига урғу бериш нафақат Осиё тадқиқотлари марказига, балки, Мисрдаги Марказий Осиёга оид тадқиқотлар олиб боровчи бошқа илм масканларига ҳам хосдир. Жумладан, Ал-Азҳар университетининг Исломий тадқиқотлари Академиясида муаллиф д-р Султан Саид Аҳмаднинг “Ўрта Осиё ва Кавказдаги мусулмонлар” (*Sultan Said Akhmad., 1994*) номли асари эълон қилинган бўлиб, асарда муаллиф минтақани ислом умматининг катта бир бўлаги сифатида таснифлаб, минтақадаги мусулмонларнинг ижтимоий ҳаётида ислом омили масаласини таҳлил қилади.

Осиё тадқиқотлар марказида, минтақанинг Араб давлатлари, жумладан, Миср билан муносабатлари юзасидан ҳам илмий лойиҳалар амалга оширилган. Марказий Осиё ва Араб давлатлари ҳамкорлик алоқаларига бағишланган семинарлар ва давра суҳбатлари ташкил қилинган. Жумладан, 2000 йил марказда Муҳаммад Саид Салим, Муҳаммад Сайфиддин Харбуш, Абдулазиз Шади каби етакчи олимлар раҳбарлигида – “Мисрнинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари, Албания, Босния Герцеговина, Македония ва Монголия билан ҳамкорлик алоқалари” [2000] номли монография нашр қилинган. Монография Марказий Осиё ва Кавказ бўйича етакчи мутахассисларнинг илмий-таҳлилий мақолаларидан иборат. Мақолаларда минтақа республикалари сиёсий тизимларининг шаклланиши, ташқи сиёсий фаолияти хусусиятлари ёритилган. Д-р Зейнаб Абель Аъзимнинг “Миср ва МДХ мамлакатларининг умумий қизиқиши” номли

мақоласида Мисрнинг Марказий Осиё давлатларга нисбатан қизиқиши стратегик аҳамиятга эга бўлиб у ҳарбий-сиёсий, иқтисодий-технологик ва маданий соҳада намоён бўлиши кўрсатилган. Д-р Ибрагим Арафат – “Мисрнинг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик алоқалари” номли мақоласида эса Ўзбекистон ва Миср муносабатларидаги фойдаланилмаётган имкониятлар ва муаммоларга танқидий эътибор қаратади.

Ушбу монография Мисрнинг Марказий Осиё бўйича сиёсатининг хусусиятлари, ривожланиш динамикаси ва стратегик режаларини ўрганиш бўйича муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Осиё тадқиқотлари марказида Марказий Осиё ва Араб давлатларининг ҳамкорлик алоқалари, минтақанинг геосиёсий аҳамияти ҳамда унинг халқаро муносабатлар тизимидаги ўрнини тадқиқ қилишга доир илмий изланишлар ҳам олиб борилади. Д-р Муҳаммад С.Салимнинг “Араблар ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатлар” (*Mukhammad S.Salim., 2001*), “Глобал ўзгаришлар ва Марказий Осиё минтақаси учун халқаро рақобат” (*Mukhammad S.Salim., 1997*), “Осиё ва глобал ўзгаришлар” (*Mukhammad S.Salim., 1998*) каби илмий ишларида ўзаро ҳамкорлик алоқларининг хусусиятлари, динамикаси ва муаммолари ўрганилган ҳамда ҳамкорликнинг истиқболлари баҳоланган. Д-р Ибраҳим Арафатнинг “Ўрта Осиё янги Ипак йўли” (*Arafat Ibrakhim., 1998*) номли монографиясида эса минтақанинг дунё савдоси ва халқаро иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўрни таҳлил қилинган. Д-р Муҳаммад Рада Джалилининг “Ўрта Осиёда гео-сиёсат” (*Mukhammad Radaa Jalili., 2001*) номли тадқиқотида, минтақанинг геосиёсий аҳамияти, бу минтақа учун етакчи давлатларнинг рақобати, минтақанинг салоҳияти каби масалалар ўрганилган.

Осиё тадқиқотлари марказига илмий жиҳатдан рақобатчи бўлган яна бир қатор илм масканларида ҳам Марказий Осиёга оид тадқиқотлар олиб борилмоқда, Хусусан, Зақазик университети таркибидаги Осиё тадқиқотлари институти ҳам Яқин Шарқдаги етакчи илм маскани бўлиб, мазкур институтда Осиё мамлакатлари сиёсати, иқтисоди, тарихи ва маданиятига оид йўналишларда бакалавр, магистр ва докторантлар тайёрланади. Институтда Марказий Осиёни тадқиқ қилиш бўйича ҳам алоҳида йўналиш мавжуд ва унда Марказий Осиёнинг ислом фатҳидан бошлаб бугунгача бўлган ижтимоий сиёсий ривожланиши тарихига оид бир неча ўнлаб магистрлик тезислари, ўқув адабиётлари, илмий монографиялар ҳамда мақолалар тайёрланган.

